



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 21 » июнь

№ПҚ–232

Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтини ташkil этиш тўғрисида

Ёшлар тарбияси соҳасининг илмий-методик таъминотини амалга ошириш, буюк алломаларимиз ва жадидларнинг ушбу йўналишдаги қарашларини илмий тадқиқ этиш асосида замонавий методикаларни ишлаб чиқиш, ўқувчилар тарбияси масаласида маҳалла ва ота-оналар ўртасидаги самарали ҳамкорликни таъминлаш, ота-оналар ва ўқитувчилар учун ушбу мавзуга оид ўқув ва оммабоп адабиётлар яратишни тизимли йўлга қўйиш мақсадида:

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти негизида **Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтини** (кейинги ўринларда – Институт) ташkil этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

Институт янги тарбия методикаларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи **давлат муассасаси** ҳисобланади ҳамда тарбия соҳасини такомиллаштиришга оид илмий асослантирилган истиқболли таклифлар ишлаб чиқади;

Институт бевосита Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бўйсунувида фаолият олиб боради;

Институтга мактабгача ва мактаб таълими вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Институт директори ўринбосарлари ҳамда Институтнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда Институт директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Институт ходимлари таркиби танлов асосида шакллантирилади;

Институт ходимларига Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

3. Қуйидагилар:

Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтининг **асосий вазифалари** 1-иловага мувофиқ;

2024–2027 йилларда Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича **“йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ;

2024–2027 йилларда тарбия педагогикаси йўналишида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг **мақсадли кўрсаткичлари** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) **уч ой муддатда** Институт ҳузурида “Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи”, “Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси” ҳамда “Ижтимоий педагогика” ихтисосликлари бўйича илмий кенгашларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида тажриба-синов тариқасида босқичма-босқич жаҳонда тан олинган **ижтимоий-эмоционал таълим (Social and Emotional Learning – SEL) методикаларини** жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, ижтимоий-эмоционал таълим методикаларини жорий қилиш доирасида:

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари **5 та ижтимоий-эмоционал** (ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш, ижтимоий хабардорлик, тенгдошлари билан муносабатларни шакллантириш ва масъулиятли қарор қабул қилиш) **компетенцияларга** ўргатилади ҳамда ушбу жараёнга **ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари** жалб қилинади;

ижтимоий-эмоционал таълим методикалари умумий ўрта таълим ҳамда педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларига киритилади;

ижтимоий-эмоционал таълим методикаларини амалиётга татбиқ этиш учун тажриба-синов доирасида танлаб олинган умумий ўрта таълим муассасаларида Институтнинг малакали ходимлари, хорижий мутахассислар ва педагог кадрлардан иборат бўлган тренерлар гуруҳлари шакллантирилади;

ижтимоий-эмоционал таълим методикаларини жорий қилиш жараёнлари Институт томонидан доимий мониторинг қилиб борилади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилади.

6. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова):

а) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** Тарбия соҳасидаги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи **республика кенгаши** фаолиятини ташкил этсин;

б) 2025 йил 1 майга қадар:

Институтнинг илмий-тадқиқот йўналишлари тарбия соҳасидаги мавжуд муаммолар асосида шакллантирилишини;

Институт томонидан тарбия методикаларини ишлаб чиқиш бўйича етакчи хорижий университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорлик ўрнатилишини ва қўшма тадқиқотлар олиб борилишини;

мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва ўқувчилари учун миллий тарбия йўналишида туркум адабиётлар нашр этилишини;

Институт томонидан тарбия йўналишида амалга ошириладиган лойиҳаларга давлат ва нодавлат ташкилотлари, олий таълим муассасалари ва жамоатчилик институтларининг мутахассислари ҳамда олимлари, шунингдек, хорижий экспертлар жалб қилинишини таъминласин.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) Республика Маънавият ва маърифат маркази (О.Хасанов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К.Куранбаев) ҳамда Миллий гвардия (Р.Джуроев) билан биргаликда:

а) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

умумий ўрта таълим муассасаларида **“Фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти”** мавзусида тарбия ҳафталикларини ўтказиб борсин;

ота-оналарнинг фарзанд тарбияси борасидаги билимини оширишга қаратилган **“Намунали ота-оналар мактаби”** лойиҳасини амалга оширсин;

миллий тарбиянинг ҳудудий анъаналарини ўрганиш, тиклаш ва замонавий маънавий-ахлоқий тарбия тизимида жорий қилишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширсин;

б) 2024 йил 1 декабрга қадар:

ўқувчиларда “ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет”ни шакллантиришда **“мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлиги занжирини** яратиш бўйича илмий асосланган ўқув ва оммабоп услубий тавсиялар ишлаб чиқсин;

ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига оид дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган халқчил тилдаги адабиётлар яратилишини ташкил этсин;

в) 2024 йил декабрь ойида “Тарбия – шахс маданий-маънавий камолотининг мезони” мавзусида халқаро форум ўтказсин;

г) 2025 йил якунига қадар ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчилар учун ёшлар тарбиясига оид рақамли контентларни жойлаштириш мақсадида **“milliytarbiya.uz”** электрон платформаси ва унинг мобиль версиясини ишлаб чиқсин ҳамда уни замонавий ва қизиқарли контентлар билан тўлдириб борсин;

д) Институт томонидан ишлаб чиқилган методик тавсиялар асосида ёшлар таълим-тарбиясига бағишланган подкаст, видеоконтентлар яратиш ва оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш ишларини тизимли ташкил қилсин.

8. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Институт бинолари ва иншоотларини сақлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижаларига кўра ажратиладиган грантлар;

халқаро грантлар ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Институт Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис марказининг Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган биносига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул жойлаштирилсин.

10. Белгилансинки, Институтнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган харажатларини молиялаштириш 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

11. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтининг асосий вазифалари

1) педагогика ва психология соҳаларида тарбия методикасига оид фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб бориш, соҳада илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш;

2) тарбия мазмунини таҳлил қилиш, уни ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

3) аждодларимиз ва жаҳидларнинг комил инсонни шакллантириш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга оид ёндашувларини тадқиқ қилиш ҳамда замон талабларига мос равишда таълим жараёнида қўллаш бўйича илмий асосланган ишланмалар ва методикаларни яратиш;

4) ота-оналар ва ўқитувчилар учун тарбиявий методикалар бўйича қўлланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни оммалаштириш;

5) фарзанд тарбиясида “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигининг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича методик тавсияномалар яратиш;

6) тарбия методикаларига оид рақамли контентлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

7) алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг тарбиясига оид илмий-методик таъминотни яратиш.

2024–2027 йилларда Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича
“Йўл харитаси”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
I. Ташкилий ва меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш					
1.	Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтининг фаолиятини ташкил этиш.	1. Маҳаллий ва хорижий юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда Институт уставини ишлаб чиқиш. 2. Институт уставини тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.	2024 йил июль 2024 йил июль	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
2.	Тарбия масалаларига бағишланган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи кенгаши тўғрисидаги ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	1. Тарбия масалаларига бағишланган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Республика кенгаши тўғрисидаги низомни Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқлаш. 3. Республика кенгаши таркибини шакллантириш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.	2024 йил октябрь 2024 йил ноябрь 2025 йил январь	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)
II. Кадрлар салоҳиятини ошириш					
3.	Институт ходимлари таркибини танлов асосида шакллантириш.	1. Институтга ходимларни танлов асосида танлаб олиш бўйича Танлов комиссияси таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш.	2024 йил август	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		<p>2. Оммавий ахборот воситаларида эълон бериш.</p> <p>3. Танловга тушган аризаларни кўриб чиқиш ва суҳбат асосида қарор қабул қилиш.</p>	<p>2024 йил сентябрь</p> <p>2024 йил декабрь</p>		
4.	<p>Институтнинг раҳбар кадрлари ва илмий ходимларини хорижий университетлар ва илмий марказларга қисқа мuddатли стажировка ҳамда малака оширишга юбориш.</p>	<p>1. Институтнинг раҳбар кадрлари ва илмий ходимларини хорижий университет ва илмий марказларга қисқа мuddатли стажировка ва малака оширишга юбориш учун режа-графикни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Хорижий ҳамкорлар ва халқаро ташкилотлар ёрдамида Институтнинг раҳбар кадрлари ва илмий ходимларини стажировка ва малака оширишларини ташкиллаштириш.</p>	<p>2024 йил ноябрь</p> <p>Режа-график асосида</p>	<p>Давлат бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар</p>	<p>Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирилиги (Х.Умарова), Ташқи ишлар вазирилиги (Б.Саидов), “Эл-юрт умиди” жамғармаси (А.Бекмуродов)</p>
5.	<p>Тарбия методикалари ривожланган давлатлардан етакчи мутахассисларни эксперт сифатида жалб этиш.</p>	<p>1. Зарур мутахассисларни жалб қилиш бўйича тегишли хорижий ташкилотлар (илмий ва таълим муассасалари) билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.</p> <p>2. Хорижлик мутахассисларни ўрнатилган тартибда ишга жалб этиш бўйича ҳамкорлик шартномаларини имзолаш.</p> <p>3. Келишувга мувофиқ хорижий экспертлар фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2024 йил декабрь</p> <p>2025 йилдан бошлаб босқичма-босқич келишув мuddатлари асосида</p>	<p>Халқаро молия институтлари, хорижий ва донор ташкилотларнинг грантлари ва маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар</p>	<p>Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирилиги (Х.Умарова), Ташқи ишлар вазирилиги (Б.Саидов)</p>
III. Илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш					
6.	<p>Институтнинг илмий-тадқиқот йўналишларини мақтабгача ва мақтаб таълими тизимидаги тарбиявий масалаларга оид илмий муаммолар асосида шакллантириш.</p>	<p>1. Мақтабгача ва мақтаб таълими тизимидаги тарбиявий масалаларга оид илмий муаммоларни ўрганиш ва маълумотлар базасини шакллантириш.</p>	<p>2024 йил декабрь</p>	<p>–</p>	<p>Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирилиги (Х.Умарова), Олий таълим,</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		<p>2. Институтнинг бўлимлари ва илмий гуруҳлари вазифаларидан келиб чиқиб, маълумотлар базасидаги мавзуларни бажаришга илмий салоҳиятни йўналтириш ва бириктириш.</p> <p>3. Илмий изланишлар натижадорлиги юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш.</p>	<p>2024–2027 йиллар давомида</p> <p>Доимий</p>		<p>фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)</p>
7.	<p>Институт ҳузурида “Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи”, “Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси” ҳамда “Ижтимоий педагогика” иختисосликлари бўйича илмий кенгашларни ташкил этиш.</p>	<p>1. Институт ҳузурида илмий кенгашларни ташкил этиш бўйича илмий кенгаш таркибини шакллантириш.</p> <p>2. Олий аттестация комиссиясида илмий кенгашлар таркибини тасдиқлаш.</p> <p>3. Илмий кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш.</p>	<p>2024 йил август</p> <p>2024 йил сентябрь</p> <p>2024 йил октябрь</p>	<p>–</p>	<p>Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий аттестация комиссияси (А.Юсупов)</p>
8.	<p>Институт ҳузурида “Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи”, “Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси” ҳамда “Ижтимоий педагогика” иختисосликлари бўйича докторантлар, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.</p>	<p>1. Докторантура иختисосликлари бўйича квота ажратиш.</p> <p>2. Квота доирасида қабул жараёнларини амалга ошириш.</p>	<p>2025 йил якунига қадар</p>	<p>Давлат бюджети маблағлари доирасида</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)</p>
9.	<p>Хорижий университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликда қўшма илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш.</p>	<p>1. Етакчи университетлар ва илмий марказлар билан қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва келишувларга эришиш.</p> <p>2. Институт илмий ходимларининг хорижий давлатлар (Япония, Россия, Жанубий Корея, Финляндия, Белоруссия) илмий-тадқиқот марказларида тажриба алмашиши ва турли илмий конференциялардаги иштирокини таъминлаш.</p>	<p>2024–2027 йиллар давомида</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича ўтказиладиган танлов натижаларига кўра</p>	<p>Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
10.	Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг 95 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида "Тарбия – шахс маданият-маънавий камолотининг мезони" мавзусида халқаро форум ўтказиш.	1. "Тарбия – шахс маданият-маънавий камолотининг мезони" мавзусида халқаро форум ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш. 2. Форум дастури ҳамда кун тартибини шакллантириш. 3. Форум иштирокчиларини таклиф этиш ва форумни ўтказиш.	2024 йил сентябрь 2024 йил октябрь 2024 йил декабрь	ақратиладиган грантлар, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро грантлар, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
IV. Рақамли технологиялар инфратузилмасини ривожлантириш					
11.	Институтни замонавий компьютер техника воситалари билан таъминлаш.	1. Институтда компьютер жамланмаларига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш. 2. Компьютер техника воситаларининг техник топшириқларини ишлаб чиқиш. 3. Компьютер жамланмаларини белгиланган тартибда харид қилиш. 4. Харид қилинган компьютер жамланмаларини Институтга етказиш.	2024 йил декабрь 2025 йил март 2025 йил июнь 2025 йил давомида	Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
12.	"Milliytarbiya.uz" электрон платформасини ишлаб чиқиш ва унинг ресурсларини доимий янгилаб бориш.	1. "Milliytarbiya.uz" электрон платформасини яратиш бўйича техник топшириқларни ишлаб чиқиш.	2024 йил декабрь	Таълим соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси,	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		<p>2. Электрон платформа ва унинг мобиль иловасини яратиш.</p> <p>3. Электрон платформанинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг ресурсларини доимий янгилаб бориш.</p>	<p>2025 йил май</p> <p>2025 йил декабрь</p>	<p>халқаро молия институтлари, хорижий ва донор ташкилотларнинг грантлари ва маблағлари</p>	<p>Маънавият ва маърифат маркази (О.Хасанов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев)</p>
13.	<p>Институт томонидан ёшларнинг таълим-тарбияси юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижаларига мувофиқ ишлаб чиқилган методик тавсиялар асосида подкаст, видеоконтентлар яратиш ва оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш.</p>	<p>1. Ёшларнинг таълим-тарбияси юзасидан илмий тадқиқотлар ўтказиш.</p> <p>2. Тадқиқот натижаларига мувофиқ методик тавсиялар ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Методик тавсиялар асосида подкаст, видеоконтентлар яратиш ва оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш.</p>	<p>2024 йил декабрь</p> <p>2024 йил декабрь</p> <p>2025 йил давомида</p>	<p>Давлат бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар</p>	<p>Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Ўзбекистон Миллий телерадио-компанияси (А.Джурбаев)</p>
14.	<p>Миллий тарбия бўйича контентлар яратиш, тарқатиш ва оммалаштириш мақсадида Институт ҳузурида Мультимедиа студиясини ташкил этиш.</p>	<p>1. Мультимедиа студиясини ташкил этиш бўйича техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Техник топшириқларга мувофиқ Мультимедиа студиясини ташкил этиш ва жиҳозлаш бўйича белгиланган тартибда танлов ўтказиш.</p> <p>3. Мультимедиа студиясини ташкил этиш ва жиҳозлаш.</p>	<p>2024 йил декабрь</p> <p>2025 йил Июнь</p> <p>Танлов натижаларига мувофиқ</p>	<p>Таълим соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси, халқаро молия институтлари, хорижий ва донор ташкилотларнинг грантлари ва маблағлари</p>	<p>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
V. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш					
15.	Илмий-тадқиқот натижаларини педагогик амалиётга татбиқ этиш ва оммалаштириш.	<p>1. Институт ҳузурида "Тарбия методикалари" илмий-оммабоп журналини ташкил этиш.</p> <p>2. Журнал фаолиятини ташкил этиш бўйича низом ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш.</p> <p>3. Институт ҳузурида кўп функционал босмахона очиш.</p>	<p>2025 йил март</p> <p>2025 йил декабрь</p> <p>2026 йил июнь</p>	<p>Таълим соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси, халқаро молия институтлари, хорижий ва донор ташкилотларнинг грантлари ва маблағлари</p>	<p>Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев)</p>

2024–2027 йилларда мактабгача ва мактаб таълими соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш бўйича эришиладиган
мақсадли кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида				Масъул ижрочилар
			2024 йил	2025 йил	2026 йил	2027 йил	
I. Мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари таълим-тарбия жараёнларининг илмий-методик таъминотини яратиш							
1.	Тайёрланадиган янги монографиялар сони	та	4	6	11	15	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)
2.	Яратиладиган янги ўқув қўлланмалар сони	та	2	3	4	6	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)
3.	Яратиладиган янги методик қўлланмалар сони	та	5	8	10	15	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
4.	“Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқиладиган услубий қўлланмалар ва методик тавсияномалар сони	та	1	3	5	7	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида				Масъул ижрочилар
			2024 йил	2025 йил	2026 йил	2027 йил	
5.	“Таълим муассасаси – оила – маҳалла” ҳамкорлиги бўйича ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар ва методик тавсияномалар сони	та	1	4	6	8	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К.Куранбаев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)
II. Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институту ходимларининг илмий салоҳияти кўрсаткичлари							
6.	Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтида (кейинги ўринларда – Институт) ўтказилган халқаро конференциялар ва мастер-класслар учун жалб этиладиган хорижий мутахассислар сони	нафар	2	3	6	8	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)
7.	Мақтабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларида ҳамда маҳаллаларда ташкил этиладиган миллий тарбияга оид семинарлар ва давра суҳбатлари сони	нафар	20	50	70	100	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К.Куранбаев)
8.	Институтнинг илмий даражага эга бўлган фан докторлари салмоғи	нафар	7	9	10	11	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида				Масъул ижрочилар
			2024 йил	2025 йил	2026 йил	2027 йил	
<p>III. Институт профессор-ҳодимлари, докторант ва таянч докторантларнинг хорижий давлатлардаги стажировкасини ташкил этиш орқали рақобат муҳитини яратиш</p>							
9.	Стажировкалар ташкил этиладиган хорижий илмий марказлар ва олий таълим муассасалари (филиаллари) сони	та	1	2	4	5	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)
10.	Чет элга стажировкага юбориладиган Институт ҳодимлари сони	нафар	1	4	7	10	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
11.	Чет элга малака оширишга юбориладиган Институт ҳодимлари сони	нафар	1	4	7	10	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
12.	Институтда илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб қилинадиган хорижий мутахассислар сони	нафар	1	4	6	8	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
13.	Хорижий илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган илмий лойиҳалар сони	та	1	2	3	4	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
<p>IV. Умумий ўрта таълим мактабларининг раҳбар-ҳодимлари ва педагогларини миллий тарбия методикалари билан таништириш ва методик маҳоратини ошириш, миллий тарбия методикаларини тажриба-синовдан ўтказиш</p>							
14.	Педагогларни миллий тарбия методикалари билан таништириш ва методик маҳоратини оширишга қаратилган семинар-тренинглар, давра суҳбатлар, вебинарлар ва консалтациялар сони	та	10	15	20	25	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида				Масъул ижрочилар
			2024 йил	2025 йил	2026 йил	2027 йил	
V. Илмий-тадқиқот натижаларини оммалаштиришга қаратилган республика ва халқаро конференциялар, симпозиумларнинг кўрсаткичлари							
15.	Вазирлар Маъкамасининг режаси асосида Институтда ўтказиладиган республика конференциялари сони	та	5	8	10	14	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
16.	Вазирлар Маъкамасининг режаси асосида Институтда ўтказиладиган халқаро конференциялари сони	та	2	5	7	9	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
17.	Институтда ўтказиладиган республика ва халқаро конференцияларга жалб этиладиган мутахассислар сони	нафар	400	730	765	785	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
VI. Юқори малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлаш натижадорлигини ошириш							
18.	Ҳимоя қилинадиган фалсафа доктори диссертациялари (PhD) сони	нафар	5	20	22	27	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)
19.	Ҳимоя қилинадиган фан доктори диссертациялари (DSc) сони	нафар	1	3	4	6	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)
20.	Web of Science ва Scopus илмий-техник маълумотлар базасида Q1 ва Q2 кварталъ журналларида чоп этилган мақолалар улуши	фоизда (жами мақолалар сонига нисбатан)	5	7	10	15	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)

Т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида				Масъул ижрочилар
			2024 йил	2025 йил	2026 йил	2027 йил	
21.	Scopus, Web of Science халқаро маълумотлар базасига киритилган ҳар бир мақолага тўғри келувчи иқтибослар сони	та	3	5	7	10	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)
22.	Иқтибослар сони бўйича “Ҳирш” индекси (h-индекс) 5 ва ундан юқори бўлган илмий ходимлар улуши	фоизда (жами илмий ходимлар сонига нисбатан)	50	60	65	70	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 21 » июня

№ ПП–232

Об образовании Национального института педагогики воспитания имени Кары-Ниязи

В целях научно-методического обеспечения сферы воспитания молодежи, выработки современных методик в данном направлении на основе научного изучения взглядов наших великих мыслителей и джадидов, обеспечения эффективного взаимодействия махалли и родителей в вопросах воспитания учащихся, организации на системной основе работы по созданию для родителей и учителей учебной и популярной литературы по данной тематике:

1. Одобрить предложение Министерства дошкольного и школьного образования о создании **Национального института педагогики воспитания имени Кары-Ниязи** (далее – Институт) на базе Узбекского научно-исследовательского института педагогических наук имени Кары-Ниязи.

2. Установить, что:

Институт является государственным учреждением, осуществляющим послевузовское образование в сфере разработки и внедрения в практику новых методик воспитания, и подготавливающим научно обоснованные перспективные предложения по совершенствованию сферы воспитания;

Институт осуществляет свою деятельность непосредственно в подчинении Министерства дошкольного и школьного образования;

Институтом руководит директор, назначаемый на должность и освобождаемый от должности министром дошкольного и школьного образования;

заместители директора Института, а также директор Каракалпакского Республиканского филиала Института назначаются на должность и освобождаются от должности директором Института по согласованию с Министерством дошкольного и школьного образования;

состав работников Института формируется на конкурсной основе;

на работников Института распространяются условия оплаты труда и материального стимулирования, определенные для работников научно-исследовательских институтов системы Академии наук.

3. Утвердить:

Основные задачи Национального института педагогики воспитания имени Кары-Ниязи согласно приложению № 1;

«Дорожную карту» по совершенствованию деятельности Национального института педагогики воспитания имени Кары-Ниязи в 2024–2027 годах согласно приложению № 2;

Целевые показатели развития научно-исследовательских работ в сфере педагогики воспитания в 2024–2027 годах согласно приложению № 3.

4. Министерству высшего образования, науки и инноваций (К.Шарипов) и Министерству дошкольного и школьного образования (Х.Умарова) в трехмесячный срок принять меры по созданию при Институте научных советов по специализациям «Теория педагогики. История педагогических учений», «Теория и методика обучения и воспитания» и «Социальная педагогика».

5. Одобрить предложение Министерства дошкольного и школьного образования о поэтапном внедрении с 2025/2026 учебного года в общих средних образовательных учреждениях в порядке опытного эксперимента всемирно признанных методик социально-эмоционального воспитания (Social and Emotional Learning – SEL).

Определить, что в рамках внедрения методик социально-эмоционального воспитания:

учащиеся общих средних образовательных учреждений обучаются 5 социально-эмоциональным компетенциям (самопознание, самоуправление, социальная осведомленность, формирование отношений со сверстниками и принятие ответственных решений) и к данному процессу привлекаются родители и представители широкой общественности;

методики социально-эмоционального обучения включаются в программы общего среднего образования, а также повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров;

в целях внедрения в практику методик социально-эмоционального обучения в общих средних образовательных учреждениях, отобранных в рамках опытного эксперимента, формируются группы тренеров, состоящие из квалифицированных работников Института, зарубежных специалистов и педагогических кадров;

Институт ведет регулярный мониторинг процессов внедрения методик социально-эмоционального обучения и принимает необходимые меры по устранению выявленных недостатков.

6. Министерству дошкольного и школьного образования (Х.Умарова):

а) совместно с Министерством высшего образования, науки и инноваций в трехмесячный срок организовать деятельность Республиканского совета по координации научных исследований в сфере воспитания;

б) в срок до 1 мая 2025 года обеспечить:

формирование направлений научных исследований Института на основе имеющихся проблем в сфере воспитания;

установление сотрудничества и осуществление Институтом совместных исследований с ведущими зарубежными университетами и научными центрами по разработке методик воспитания;

издание цикла литературы в направлении национального воспитания для воспитанников и учащихся дошкольных и общих средних образовательных организаций;

привлечение специалистов и ученых государственных и негосударственных организаций, высших образовательных учреждений и общественных институтов, а также зарубежных экспертов к проектам в сфере воспитания, реализуемым Институтом.

7. Министерству дошкольного и школьного образования (Х.Умарова) совместно с Республиканским центром духовности и просветительства (О.Хасанов), Агентством по делам молодежи (А.Саъдуллаев), Ассоциацией махаллей Узбекистана (К.Куранбаев) и Национальной гвардией (Р.Джураев):

а) начиная с 2024/2025 учебного года:

проводить в общих средних образовательных учреждениях воспитательные недели на тему «Ответственность родителей в воспитании детей»;

реализовать проект «Школа образцовых родителей», направленного на повышение знаний родителей в воспитании детей;

осуществлять научные исследования по изучению, возрождению и внедрению в современную систему духовно-нравственного воспитания традиций национального воспитания регионов страны;

б) в срок до 1 декабря 2024 года:

разработать научно обоснованные учебные и популярные методические рекомендации по созданию цепочки взаимодействия «школа – родители – махалля» в целях формирования у учащихся иммунитета к правонарушениям;

организовать создание литературы, предназначенной для расширения кругозора родителей в вопросах воспитания детей, на доступном языке;

в) провести в декабре 2024 года Международный форум на тему «Воспитание как критерий культурного и духовного становления личности»;

г) в срок до конца 2025 года разработать электронную платформу «milliytarbiya.uz» и ее мобильную версию в целях размещения цифровых контентов по воспитанию молодежи, предназначенную для родителей, преподавателей и учащихся, а также регулярно обновлять данную платформу современными и познавательными контентными;

д) организовать на системной основе работу по созданию и освещению в средствах массовой информации подкастов и видеоконтентов, посвященных обучению и воспитанию молодежи, на основе разработанных Институтом методических рекомендаций.

8. Определить источниками финансирования деятельности Института:

средства Государственного бюджета, выделяемые на содержание зданий и сооружений, а также оплату труда работников Института;

гранты, выделяемые по результатам конкурсов на научно-исследовательские проекты, проводимых Министерством высшего образования, науки и инноваций;

поступления от международных грантов и оказания услуг на договорной основе;

благотворительные пожертвования физических и юридических лиц;
иные источники, не запрещенные актами законодательства.

9. Разместить Институт на безвозмездной основе в здании Республиканского центра профессиональной ориентации и психолого-педагогической диагностики учащихся, расположенном по адресу: город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 6 на основе права оперативного управления.

10. Установить, что финансирование расходов Института, подлежащих покрытию за счет Государственного бюджета, осуществляется в 2024 году – в рамках средств республиканского бюджета Республики Узбекистан, выделяемых Министерству дошкольного и школьного образования в качестве распорядителя бюджетных средств первого уровня, с 2025 года – предусматривается в параметрах Государственного бюджета.

11. Министерству дошкольного и школьного образования совместно с Министерством юстиции в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.

12. Возложить на министра дошкольного и школьного образования Умарову Х.У. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

Обсуждение хода исполнения настоящего постановления, осуществление координации и контроля за деятельностью организаций, ответственных за его исполнение, возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н. и руководителя Департамента социального развития Администрации Президента Республики Узбекистан Абдурахманова О.К.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

Приложения приводятся на узбекском языке.